



Ислом Нури

Савол:

Ассаламу алайкум. Мен суннатга мувофиқ руқя қиламан-дам соламан. Укам менга эслатиб қолди, сиз бундай қилсангиз етмиш мингта жаннатга ҳисобсиз кирадиганлардан бўлмай қоласиз! Шу тўғрими?

Жавоб:

Энди ўзингизнинг саволингизга келсак, сизга уқангиз эслатган ҳадис тўғри, саҳиҳ ҳадис.

«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматлари ичидан етмиш минг киши ҳисобсиз ва азобсиз жаннатга кириши ҳамда улар руқя қилдирмайдиган (дам солдирмайдиган), куйдириб даволанмайдиган, шумланмайдиган ва Роббиларига таваккул қиладиган кишилар эканини айтганларида Укоша ибн Михсон ўрнидан туриб: «Ё Расулаллоҳ, Аллоҳга дуо қилинг, мени ўшалардан қилсин», деди. Расулаллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сен ўшалардансан», дедилар (муттафақун алайҳи).

Бироқ катта олимларнинг сўзларига кўра руқия қилувчи-дам солувчи 70000 қаторига кирaveraди, улар қаторидан чиқувчи кишилар дам солиб қўйишни талаб қилган кишилардир. Чунки, улардаги Аллоҳ таъолога бўлган таваккул заифлашган, бунинг натижасида Аллоҳнинг тақдирига сабр қила олмасдан, тезроқ шифо топиш учун дам солдиришга шошилган, шу сабаб 70000 лар қаторидан чиқиб қолган. Дам солинганда шифо топилишида шак-шубҳа йўқ, бу ҳадис азми қарори қаттиқ бўлган, мусибат етганда сабр қиладиган, саботли мусулмонлар ҳақида айтилган. Бу каби инсонларнинг камёблигидан уларнинг сони 70000 та, холос. Сиз бир ўйлаб кўринг, Пайғамбаримиз



соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бери неча миллион балки миллиард мусулмон яшаб ўтди, қиёматгача яна қанчаси яшайди. Шундай бўлсада инсон ўзини 70000дан биттаси қилишга ҳаракат қилмоғи лозим. Эслатиб ўтишимиз ўринли деб биламиз, уламолар етмиш мингнинг ҳар бири билан яна етмиш мингта бирга бўлади деб ҳам айтганлар.

Қуръон ва ҳадисга мувофиқ ҳолда дам солаверинг, агар Аллоҳ хоҳлаган бўлса албатта шифо беради, бу ишнинг мазкур ҳадисга алоқаси йўқ инша-Аллоҳ.

2010 йил 27-апрел